

Бухоро шахрининг ўрамларина[1] ушбу мазмунда бир эълон ёпишрилган эди: «Янги чикган жадидлар болаларимизнинг эътикодларини бузалар, мунлар хунарларинда ҳеч ким боласини ўқутмасин, ўқутса шул кишини ўлдиражакмиз, жадидлар живлашуб[2] ўлтурмасунлар, агарда живлашуб ўтурсалар, биз онларнинг бошларини кесармиз, жадидлар намоз бирла рўзани, закотни ўтамайлар, мунлар кофирлар, конлари халол» (Бу эълонла бир хадисда[3] ёзилган).

Бошка мамлакатларда мундай маъносиз, имлоси бузук, ахмоқлик аломати бўлган эълонлар, ёзувларнинг ахамиятлари бўлмасида, Бухоро каби ўрунда афкори умумиянинг мундан мутаассир бўлуви мумкин. Шул сабабли мундай жохилона таассубга қарши илтифот этмай қолув бизнинг учун мумкин тугул[4].

Ёзув ёза билмай туриб, шу ший эълон ёзувларига «жадид»ларнинг маслаклари нинди[5] нарсадан иборат эканлигини биддирурга ҳожат бор.

Бухоролиларнинг тижорат, ахлоқ ва илм, саноат ва хунар, маишат жихатларинда бутунлай ортда қолганликларини «эълон» ёзувчилар билмасаларда, бошқалар билалар. Тижорат майдонларинда, таҳсил мадрасаларинда, ахлоқ тўғивларинда[6] ўз ишларининг қоидасини ва зибарини[7] бир яҳудий қадар билувчи онгли кишимиз йўқ. Дунёнинг телефон ва телеграф ҳамда темир йўллар каби фанний мўъжизаларини қўруб-да шунларнинг сирларини ўгранурга тиришучи одамимиз йўқ. Хатто мадрасаларимиздан чиқуб-да бир жамоатнинг кофирлигини эълон этучиларимиз-да дуруст ёза билмайлар.

Шу ҳолни яратуб, бундан ризо бўлуб туручи биргина мусулмонда бўлмаса керак. Мана шу ший[8] равишда бўлган ижтимоий ҳасталиқларимизга даво изловчилар «жадид»лардир.

Жадидлар «миллатимиз, халқимизнинг бу даражада тубан қолувларини, шу ший мартабада ёмон қунларга тушуларини нодонлиқлари сабаб бўлди, бизнинг учун ўқув, илм ва маърифатга ёпишув(имиз) лозим. Ватанимиз, мамлакатимиз ва миллатимиз илм нури бирла ёқурсун, дин ҳам дунё илмлари бирла жихозлансун. Бу ҳол энди бизнинг учун фарз бўлди, эски мактабларда саккиз йиллар ўқуб-да. Эрон халқтарининг ичкилик ва ишқ каби сафоҳатлариндан иборат бўлган адабиётдан бошқани билмовчи болаларимиз янги мактабларга қируб дин ҳам дунё учун фойда бературган лозим нарсаларни ўқисунлар, ҳисоб ва ёзув билсунлар, тўрт гурли фан ўқир учун мадрасаларимизда ўн саккиз йил ётуви шогирдларимиз ўн икки йил мадрасани-да тамом шартини етишдуруб ўн беш фан ўргансунлар, мадрасадан чиқуб-да бошқаларни ақфор[9] қилуш тугул, балки мусулмон қилуб эълон ёзучидаримизнинг имлоларини қиши қулдурмақ даражада бузук бўлмасун, савдоларимиз хунар ва саноатимиз, экунчилик[10] ишларимиз буқунги каби забун ҳолда турмасун, балки тузалсун яхшилансун!» дейлар. Муни «жадид»лар шуйтиб равишда сўйлайлар ва шу ший йўлда юрийлар.

Ушбу мақсадларимизга эришур учун биз «жадид»лар Бухорода мактаблар очдик, лекин Бухоро ҳуқумати неқди фалсафага қўрадур[11] бизнинг мактабларимизнинг давомини мусоада[12] қилмади, яшатмади. Шул қундай берли биз мактабсиз қолдук.

Мундан сўнг: «Мактаб йўли бирла бўлмаса бошка бир йўл бирла тиришуб карайлик!» деб тижорат йўлига кирдик ва Бухоро ҳукуматидан рухсат олуб бир китобчилик ширкати ва бир кўмоч нарсаси ширкати[13] тузувдик.

Китобхонамизда газит ва журналлар бирла бирликта хадис ва тафсир ҳамда дарс китоблари келтуруб эски мадрасатарнинг шогирдларига уч юз ҳақ бирла дарс китоблари сотдирамиз. Кўмоч ширкати дахи юз молларини уч юз баҳо бирла сотуб фойдасини(нг) кўбиси «жадид» бўлмаган ширкатлар орасинда таксим этўб турадир. Демак, бизнинг ижтиҳодимиздан[14] «жадид» бўлмаган ва «жадид»ларни яротмай турган одамлар фойдаланалар.

Энди «жадид»лик маслакинда бўдганларнинг ўз ҳолларини-да бир оз таъруф қилайлик:

Бу «жадид»ларнинг кўбраклари эски мадрасаларда, дарсларини энг яхши равишда тамом этучилар бўлуб ораларинда бу кунда зўр мударрислар ва олимлар бор. Мунлар тафсир ва хадис дарслари ўқуталар, ўқутмаганларида дарс ўқитув лозим бўлганда ўқитувга махтаддирлар. Мунлар юзлар бирла хадиси шарифларини хатосиз ёдлаганлар ва дуруст онглайлар. Энди Пайгамбардан ривоят этилатурган бир хадисни-да дуруст ёза билмаган, имло хунариндан-да махрум одамлар чиксунлар-да шу шундай одамларни акфор этсунлар, акфор бирлагина каноат этмай, конлари ҳалол бўлуб бирла фатво берсунлар. Шу шийми инсоф? Буми мусулмонлик?

У отиш ўйновчилар[15], ароки ичучилар ва бутун амрларини фиску фужур йўлида ёздиручилар Бухорода оз тугул. Милйўнлар Сирла инсонларнинг конларини сув каби окузиб туручи ва гоз минглар бирла болаларини, хотунларини етим ва кишисиз колдиручи бу кунги зўр сукишдан ибрат-ла ҳамма кайф ва сафо мажлислари куруб мусулмон болаларини ўйнатучилар-да кўб. Шу шийдай халклар озгина-да тактиъ килинмаганлари холда ислом ва мусулмонларнинг тараккийси учун тортишучилар акфор килинсунлар, конлари мувоҳ кўрилсун! Диёнат шу шийми? Буми одамчилик?!

Қуръони карим мусулмонлигни даъво қилиб салом беручиларни акфор қилудан манъ этадир. Мусулмонларни акфор қилучилар билсунларки, «Мусулмон кишиларини акфор қилучилар агарда шул киши кофир бўлмаса, ўзлари кофир бўлурлар» мазмунида хадиси шарифлар Бухорий[16] бирла Муслим[17] сахихларинда бор.

Эълончи афандилар, фитна кўзгатучи ўрнинда Қуръон бирла Хадис ўқуб шундай олий сўзларни ўргансалар ва билган нарсаларини дуруст ёзарга тиришсалар яхшироқ ва мусулмончароқ бўлур эди.

Бу мақолани ёзувимиз ўлимдан кўркувдан тугул. Биз ўлумдан кўркмаймиз. Ҳақ йўлда ўлдирилув ва ўлуб ботиллик[18] узринда яшовдан яхшироқ. Хайрлироқ. Биз муни Қуръони каримда ўқуб шунга аён кетурганмиз. Балки муни ёзувдан мақсадимиз бухоролиларни инсофга даъват этув ҳамда ҳукуватимизнинг диккатини жалб қилувдир. Ҳукуватимиз мундай масъаладан сукут этмасун, балки бу ишни тафтиш ва тадқиқ қилсун эди. Агарда айб бизда бўлса, тейишли жазони берсун, йўкса шундай эълон ёзучиларни топуб майдонга чиқарсун. «Онларга тейишли жазо берсун эди» демаймиз. Жазо

бермасун, балки танбех ва насихат килсун.

«Онларга жазо бермасун» деган сўзимни виждоним, иймоним бирла ёздим. Чунки шул одамлар-да, саодатлари ва тараккийлари учун тортиштурган миллатимизнинг кишиларидир. Модомики, биз бу миллатнинг бахтиёр бўлувини орзу киламиз, эълон ёзуб ёбишдиручиларнинг саодатлари-да бизнинг учун матлубдир. Бизнинг маслакимиз мухаббат ва маърифат ҳамда мархаматга бино килинадир.

Дуруст, агарда бу тўғрида биз гунохли тугул эсак, ҳукумат тафтиш этуб шул эълон ёбишдиручиларни топсун, аммо жазо бермасун, балки насихат йўлидан онларга Сиз мундай фитналар кўзгатиб юрмангиз! Мундай йўк ишлар бирла шугулланув ўрнига мактабга кируб ёзув ўргангиз. Имлонгизни тuzатингиз, мундан шу илмлари комил одамлар хузурини боруб тафсир ва хадис ўқунгиз десун...

[1] ўрамларина — Бухоро шахрини ўраб турувчи деворлар, кўргон назарда тутилади. Макола дастлаб татар лахжасида эълон этилгани учун унда татарча сўз ва грамматик белгилар кўпдир.

[2] живлашиб — каршилиқ билдириш.

[3] Бу эълоннинг остига бир хадис ҳам ёзилган бўлиб, унинг сўзлари келтирилмаган. Бизнингча, Фитратнинг «Мунозара» асарида келтирилган хадислардан бири шунга мазмунан мос келади.

[4] тугул — эмас. Бу ерда: мумкин эмас.

[5] ниндай — нима, кандай нарса.

[6] тўғувларинда — яратиш, тарбия бермок. Бу ерда: ахлоқ, тарбияларида.

[7] зибар — безак, зийнат.

[8] ший — шу, шундай.

[9] акфор — куфр килмок, кўпликда: кофирлар.

[10] экунчилик — дехконлик.

[11] ниндай фалсафага кўрадир — кандай фалсафага асосланади.

[12] мусоида — «мусоид» ёрдам берувчи. Бу ерда: ёрдам бермади маъносида.

[13] кўмоч нарсаси ширкати — Бухорода жадидлар томонидан очилган тижорат ширкатларидан бири.

[14] ижтиход — тиришиш, сайъ-харакат.

[15] отиш ўйновчи — киморбоз. Бу ерда: ошикотувчи.

[16] Бухорий — асли исми Абу Абдуллох Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810—870).
«Ал-жомийъ ас-сахих» китобидаги хадислар назарда тутилади.

[17] Муслим — Муслим ан-Нишопурий машхур мухаддис назарда тутилади.

[18] ботиллик — нохак, асоссиз. Бу ерда: бехуда.